Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 36 (5006).

20 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ГЎШТ ТОПШИРИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Калинин районидаги «Москва» колхози чорвадорлари улкан ғалабани қўлга киритдилар. Районда биринчи бўлиб давлатга гўшт топшириш йиллик планини бажардилар. Гўштга топширилган қорамолнинг ўртача тирик вазни 440—450 килограммдан бўлди. Сотилган гўштнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Бўрдоқига қўйилган моллардан тез семиртиришда Муҳит Зуҳуров, Акром Ҳусанов каби чорвадорларнинг хизмати катта. Чорвадорлар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, яна пландан ташқари қўшимча 4 тонна гўшт топшириш мажбуриятини олдилар.

А. ХУСАНОВ.

* * *

1-«Пискент» совхози чорвадорлари ўтган йилни баракали якунладилар. Гўшт топшириш йиллик плани 143 процент, сут плани эса 126 процент қилиб адо этилди.

Бу йил ҳам чорва маҳсулотлари топшириш яхши натижа бермоқда. Чорвадорлар 625 ўрнига 642 центнер гўшт топшириб, квартал планини ошириб бажардилар. Бўрдоқичиларнинг тинмай-тинчимай меҳнат қилишлари сабабли гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 450—460 килограммга тўғри келди.

Хўжаликда молларни боқиш, сигирлардан сут соғишни кўпайтириш ишлари намунали олиб борилмоқда.

Ж. ОТАҚУЛОВ.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

МУКОФОТ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлислар залн. 19 февраль. Ўзбекистон ССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқларини топширилиши муносабати билан бу ерда ўтказилган республика активи йиғилишига республика саноати ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари тўпланишди.

Республика саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари 1973 йили халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғалаба қозонганликлари учун; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1973 йилда пахта, дон ва бошқа деҳончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ўтказилган бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғалабага эришганликлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон заводлари ва фабрикаларининг коллективлари саноат ишлаб чиқаришининг уч йиллик планини муддатидан бир ярим ой олдин тугалладилар, йиллик планни эса 24 декабрда бажардилар, программадан ташқари қарийб 280 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Пахтакорлар тектар бошига 29,2 центнердан мисли кўрилмаган ҳосил етиштириб, жуда катта муваффақиятга эришдилар. Улар 4 миллион 908 минг тонна ёки халқ хўжалик планидагига нисбатан 463 минг тонна кўп пахта етиштирдилар ва давлатга сотдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма томонларини комплекс механизациялаштириш йўлида олға томон янги қадам қўйилди.

Ингилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси мажлис аҳлининг қарсаклари остида Фахрий Президиумга сайланади.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Э. Димшиц ватаннинг юксак мукофотларини — Қизил байроқларни республикага топширди. У КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан республиканинг барча меҳнаткашларининг меҳнатида эришилган муваффақиятлар билан қизғин муборакбод қилиб, уларга бахт-саодат ҳамда коммунизм тантанаси учун курашда янги зафарлар тилади.

Ингилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ингилишда Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг директори А. В. Караваев, Сирдарё область Ильич районидаги Г. Титов номли совхоз механизатори К. Абдураззоқов, Жиззах область Мирзачўл районидаги 22-совхоз директори И. Оҳунова, Тошкентдаги 4-автобус паркининг шофёри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Каримжонов, Главташкентстройга қарашли 44-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси В. А. Емцова, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси экспериментал биология илмий-тадқиқот институтининг директори А. А. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини яшнатиш тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик учун, Совет Ўзбекистони қаҳрамон пшчилар синфининг, шонли колхозчи деҳқонларининг, зиёлиларининг, барча меҳнаткашларининг жонбозлик билан қилган меҳнатига берилган юксак баҳо учун жонажон партияга, Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур айтдилар.

Ингилишда сўзга чиққанлар халқ хўжалик планларини муддатидан аввал бажариш учун, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун авж олиб кетган бутуниттифоқ социалистик мусобақаси жуда яхши самаралар берганлигини мамнуннят билан айтиб ўтдилар. Шу билан бирга улар республикага берилган бу мукофотлар катта сафарбар этувчи роль ўйнаётганлигини таъкидладилар. Бу мукофот тағин ҳам самаралироқ, фидокорлик билан, жонбозлик билан меҳнат қилиш мажбуриятини юклайди. Беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида саноатда ҳам, қурилишда, транспортда, алоқада ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда ҳам янги марраларни қўлга киритишимиз керак. Бунинг учун эса диққат ва эътиборимизни меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришга қаратишимиз лозим. 1974 йил республика учун алоҳида йил бўлади. Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг эллик йиллиги нишонланади. Шу сабабли юбилей йилини меҳнатда янги шонли ғалабалар билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятлар билан нишонламоқ учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Ингилиш аҳли баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети номига табрикнома йўллади. Бу табрикнома текстини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев ўқиб берди.

Ингилишда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Аниснмкин, С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Знёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР АҲДИ

Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини ўрганиб чиқиб, юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Цехлараро, бригадаларараро мусобақа кучайтириб юборилди. Ички резервлар қидирилиб топилиб, улардан унумли фойдаланилмоқда.

Ўтган йили фабрика меҳнат аҳли 12 миллион дона ўрнига 15 миллион донага яқин тухум сотиб, йиллик планини 124,5 процент. 149 ўрнига 174 тонна гўшт сотилиб, планни 116, 7 процент адо этган эдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида эса улар давлатга 25 миллион дона тухум, 330 тонна парранда гўшти етказиб беришга аҳд қилдилар. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун кунига 60 минг дона тухум, 2 тонна парранда гўшти жўнатиб турилибди.

— Январь ойи ови-ҳавоси совуқ келишига қарамай, — дейди фабрика директори Темур Имомхўжаев, — паррандаларимиз бўш келмай ишладилар. Давлатга 1 миллион 214 минг дона тухум сотдик. Аҳоли дастурхонига кўплаб гўшт тортиқ қилдик. Жўжа очириш учун инкубацияга 210 минг дона тухум қўйилиб, 110 минг бош соғлом жўжа олинди.

Фермада озуқа рациони хилма-хил бўлишига эришиляпти. Беда уни, дон ва бошқа озуқалар рацион асосида берилмоқда.

Фабрика йил сайин кенгайиб бормоқда. 1978 йилга бориб фабрика тўла қувват билан ишлай бошлаб, йилига 100 миллион дона тухум ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Цехларда 500 минг товуқ боқилади. Шунинг учун йилдан-йилга янги механизациялашган цехлар барпо этилмоқда.

— Куни кеча, — дейди директор, — 23-қурилиш трестининг 8-ПМК қурувчилари яна бир механизациялашган цехни фойдаланишга топширдилар. Тўрт қават клеткали бу цехда 34 минг бош парранда жойлаштириб боқилабошланди. Мазкур цехдан кунига 16 минг донагача тухум йиғиштириб олинмоқда.

Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг келажаги порлоқ.

Р. ИСМАТОВ.

ПИЛЛАКОРЛАР ЎҚУВИ

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва Ўрта Осиё пиллачилик илмий текшириш институти область пиллакорлари ва мутахассисларининг семинар-ўқувини ташкил қилди. Бу курслар 500 га яқин пиллакор ва пиллачилик звено ҳамда бригада бошлиқларида ўз малакасини оширади. Шунингдек курсга пиллачилик агрономлари ва пилла қуритиш идоралари директорлари ҳам қатнашмоқда.

Курсларда лекция ўқиш ва суҳбатлар ўтказиш учун юқори малакали олимлар, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари таклиф қилинган. Пиллачиликдаги прогрессив усуллар, пилла етиштириш технологияси ва бошқа усулларга алоҳида аҳамият берилади. Пиллачиликнинг рентабеллигини ошириш, сермеҳнат ишларни механизациялаштириш, пилла қуртини тезкорлик билан боқиш курс тингловчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Семинар охирида пиллачиликдан мўл ҳосил етиштираётган хўжаликларга бориб тажриба алмашинади. Пиллакорлар олган янги билимларини 1974 йилда пилла қурти боқишни тез ва сифатли ўтказишга, олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажаришга қаратадилар. Ўтган йили область пиллакорлари 1552 тонна пилла етиштириб, йиллик планни 110,8 процент бажарган бўлсалар, бу йил шу маррадан анча ўзиб кетишни мўлжалламоқдалар.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Одатда, етуклик аттестатини илк бор қўлга олиб, катта ҳаёт бўсағасида турган ҳар бир ёшни келажакда ким бўлиб етишиш масаласи тараддудлантириб қўяди. Лекин, улар келажакда ким бўлиб етишишмасин — олим ёки инженерми, шифокор ёки ўқитувчими, геолог ёки архитекторми, ишчи ёки пахтакорми — бундан қатъий назар, ҳар қандай касб севимли бўлиб, бир умрга йўлдош бўлсагина шон-шуҳрат келтириши мумкин.

Бизда, айниқса, ишчи касби юксак қадрланади. Шунинг учун ҳам шарафли ишчи касбини танлаган ёшларга кенг истиқбол йўллари очиб берилган. Шу кеча-кундузда областимизда замонавий техник асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган ўнлаб ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турипти. Уларда таҳсил кўриб чиққан мутахассислар республикамиздаги саноат корхоналарида, колхоз, совхозларда меҳнат қилмоқдалар.

Ҳунар мактаби билан ишлаб чиқариш корхонаси бир мақсад йўлида ҳаракат қилишади. Иттифоқимиздаги энг йирик енгил саноат корхоналаридан бири бўлган Тошкент тўқимачилик комбинати ҳам ёш мутахассис кадрлар тайёрлаб бераётган 85-ҳунар-техника билим юрти билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Ҳунар мактабига ўқишга келган ҳар бир ёш йигит-қиз ўзи севиб танлаган касб билан, келгусида ўзи ишлайдиган корхона билан яқиндан танишиш имкониятига эга. Корхона комсомол комитетининг ташаббуси билан комбинат тарихи музейи ва цехлари бўйлаб экскурсиялар уюштирилади, меҳнат қаҳрамонлари, донгдор ишчилар ва корхона ветеранлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади. Бу тадбирлар юзлаб ёшларни комбинат қучоғига чорлаяпти, уларни моҳир тўқувчилар сафига ундаяпти.

Айтайлик, Гулбаҳор Усенбоева комбинатнинг фахрли ишчилари бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бўолма Жўраева, беш йилликни барвақт бажарган ташаббускор тўқувчилар Лидия Казанцева, Евгения Губина, Евдокия Жилиналарнинг издошлари бўлишни орзу қилиб, 85-ҳунар техника билим юртига ўқишга келган. У йигирувчилик касбини ўрганяпти.

ИШЧИ НОМИ — УЛУҒ НОМ

Гулфира Файзуллаева эса Ўрта Чирчиқ районидаги тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, билим юртининг тўқувчилар тайёрлайдиган группасида ўқияпти. Комбинат цехларида ўтказилган дастлабки амалий машғулотлар пайтидаёқ бу улкан корхонага чуқур меҳр қўйди. «Комбинатда ишлаш қизиқарли экан,— дейди у.— Бу ердаги сон-саноқсиз дастгоҳлар квадрат уялаб экилган гўзаларни эслатади. Улар атрофида парвона бўлаётган тўқувчи қизлар пахтазорда чаққон ҳаракат қилувчи чевар теримчиларга ўхшайди.

Гулфиранинг гапида муболаға йўқ. Комбинатдаги қайноқ ҳаёт, жўшқин меҳнат ёшларни жасоратга ундамоқда. Шулардан бири Ҳалима Темирпўлатовадир. Ҳалима ҳунар мактабида ўқиб, йигирувчилик касбини ўрганиб чиққан. Ҳозир 3-йигирув фабрикасининг илғор ишчиларидан бири. Кечқурун тўқимачилик техникумида ўқияпти. Яқинда у ишлаётган цех коммунистлари Ҳалимани ишончи билан ўз сафларига қабул қилишди. Унинг доҳий Ленин сиймоси туширилган партия билетини биринчи марта қўлига олгандаги қувончини кўрсангиз эди...

Донгдор тўқувчи Буолма Жўраева комбинатда ишлаш истаги билан келаётган серзавқ ёшларни кўриб, қувонади. Чунки, у ҳам ҳунар мактабида таълим олиб, шу корхонада илк бор меҳнат фаолиятини бошлаганида ўн беш-ўн олти яшар қизалоқ эди. Ўшандан бери орадан йигирма икки йил вақт ўтди. Шу давр ичида сидқидилдан қилган меҳнати уни элга танитди.

— Комбинатимиз учун,— дейди Буолма Жўраева,—кадрлар тайёрлаб бераётган 85-ҳунар-техника билим юрти талабаларини кўриб жуда хурсанд бўламан. Улар тўқувчилик касбини танлаб жуда тўғри қилишган. Республикамизда пахтачилик билан бир қаторда тўқимачилик саноати ҳам тез ривожланиб бормоқда. Келажакда жуда кўп мутахассис кадрлар керак бўлади.

Комбинатнинг гавжум цехларини айланиб, ишчи-ёшлар билан танишганингиз сари уларнинг энграк, идрокли, замон билан ҳамнафас эканликларини янада чуқурроқ ҳис қиласиз. Давр ҳам улардан унумли меҳнат қилиш, снёсий етук, маънавий юксак, ҳар бир ишда ижодкор бўлишни талаб этади. Бунинг учун эса ёшларимизга кенг йўл очиб берилган.

А. ИУЛДОШЕВ.

ҚИШДА ЁЗ ҲОСИЛИ

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози кўптармоқли хўжаликлардан. Колхоз кейинги йиллар давомида юксалиб, бақувват хўжаликлар қаторидан ўрин олди. Ҳар йили колхоз давлатга ҳосил топшириш планларини ошириб бажаради.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати байтқўрғонликларни янада руҳлантирди. Ҳозир далаларга маҳаллий ўғит чиқарилмоқда, техника ремонти кучайган. Сара ва бақувват кўчатлар етиштирилмоқда.

Юсуп Соипов бошлиқ тепличилик шаҳарларидаги савдо дўконларига жўнатилиб турилибди. Ҳозирги кунгача 46 тонна бодринг, 30 тонна помидор сотилди.

— Бу йил ҳар квадрат метр ердан 8 ўрнига 10 килограммдан ҳосил олишга аҳд қилганмиз,— дейди бригада бошлиги Ю. Соипов.— Бунинг учун бир қарич ҳам бўш жой қолдирмай унумли фойдаланамиз. Очиқ майдонларда 44 тонна помидор, 6 тонна болгар қалампири етиштириб бермоқчимиз.

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида колхоз аъзоларининг ниятлари янада катта. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда 1300 тонна картошка, 10500 тонна сабзавот, ҳар гектар ердан 60 центнердан маккажўхори дони етиштириш мажбуриятини олганлар. Чорвачиликда, қорамоллар туёғи 950 бошга, сигирлар сони 350 га, паррандалар 2 минг бошга етказилади.

Байтқўрғонликлар олинган юксак мажбуриятларини бажариш учун барча тадбирларни ишга солмоқдалар.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинати ишчилари белгиловчи йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Коллективнинг ҳар бир аъзоси смена давомида 100 тоннадан пўлат қуюшга эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлар и д а н бўлган Б. Юсупов ва А. Нигматулинлар ўз ваъдаларига яраша кунига 100 тоннадан ошириб пўлат эритмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.



КОНКУРС ҒОЛИБИ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги Ангрен район электр шохобчалари коллективини аҳолига керагича электр қуввати етказиб бериш юзасидан ўтказилган кўрик-конкурсда биринчи ўринни эгаллаганлиги муносабати билан қизғин табриклади. Ғолиб коллектив 1974 йилда ҳам шаҳар аҳолисига электр қуввати етказиб беришни тўла таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқди.

ЛИТВА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВИЛЬНЮС, 18 февраль. (ТАСС). Литва Компартияси Марказий Комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум шу вақтгача Вильнюс шаҳар партия комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаб келган П. П. Гришкячусни Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

АНГРЕН ОЛТИНИ

Бугунги Ангрени республика кочегаркаси ва энергетика марказларидан бири, десак таърифини тўла келтиролмаган бўламиз. Чунки, сўнгги йилларда шаҳар экономикаси кўп тармоқли бўлиб қолди. Эндиликда бу ерда керамика, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналари ҳам бор. Ўтган йилдан бошлаб эса шаҳарликлар сафига яна бир янги касб эгалари қўшилишди. Улар олтин ажратиб олувчилардир.

Ҳаммага маълумки, КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик план бўйича Директивларида олтин қазиб чиқариш саноатининг янада ривожланишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Республикамиз меҳнаткашлари партиянинг ана шу кўрсатмасини амалга оширишга ҳисса қўшиш, Ўзбекистон заминида асрлар давомида яшириниб ётган табиий бойликларни мамлакатга хизмат қилдириш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар. Ангрен воҳаси эса ана шундай бойликларга кондир. Шунинг учун ҳам бу ерда олтин қазиб чиқариш ва уни саралаб олиш саноати тез суръатлар билан бунёд этилмоқда. Бор-йўғи икки йил ичида янги йирик олтин саралаш фабрикасининг корпуслари қад кўтарди. Эндиликда у мамлакатимиз эҳтиёжлари учун нодир металл етказиб бермоқда.

Бу улкан иншоот юзлаб бинокорлар ва монтажчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли қисқа муддатда қурилди. Зарбдор қурилишга энг яхши бинокор ва монтажчилар жалб қилинган, бинокорлик материаллари, машина ва механизмлар етарли миқдорда етказиб турилди. Мамлакатимизнинг ўнлаб заводлари корхона учун саралаш ҳамда электр асбоб-ускуналари етказиб турдилар. Бу фабрикада барча ишлаб чиқариш жараёнларини юксак даражада автоматлаштириш ва механизациялаш имконини берди.

Олтин саралаш фабрикасининг қурилиши мамлакатимиз халқларининг интернационал дўстлиги, қардошлигининг беқиёс куч-қудратини яна бир бор ёрқин намойиш қилди. Москва, ва Харьков, Ангара ва Сизрань, Тошкент ва Боку, Ставрополь ва Оренбург, Ленинград ва Олмаота меҳнаткашлари асбоб-ускуналар етказиб беришди. Қурувчи ва монтажчи бригадаларда ўзбеклар ва руслар, украинлар ва қозоқлар, белоруслар ва татарлар, тожиклар ва озарбайжонлар, бошқирдлар ва молдаванлар, хуллас йигирма олти миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

Зарбдор объектларда

«Ўзбекшахтострой» трести коллективи қатор ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан биргаликда фабрика биринчи навбатини қуришда катта ҳажмдаги ишларни бажарди. Улар биринчи навбатни муддатидан илгари қуриб тугаллаш юзасидан эл-юрт олдида берган ваъдаларининг тўла уддасидан чиқдилар. Фабрика белгиланган вақтдан икки ой илгари маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Бу зарбдор қурилишда «Ўзбекшахтострой» трестининг биринчи ва 95-механизациялашган кўчма колонналари, «Узтрансспецстрой» бирлашмасининг 15-механизациялашган кўчма колоннаси, «Промтехмонтаж», «Сантехгазмонтаж», «Узэлектромонтаж» участкалари ва бошқа пудратчи ташкилотлар коллективлари фидокорона меҳнат намуналарини намойиш қилдилар. А. С. Зборовец бошлиқ комплекс бригада аъзолари, В. И. Черник раҳбарлигидаги гишт терувчилар, Е. Индиченко бошчилик қилаётган пардозловчилар бригадаларн зарбдорчасига ишладилар. Шапошников ва Чаусов бош бўлган бригадалар аъзолари эса мураккаб электр асбоб-ускуналарини муддатидан илгари монтаж қилдилар.

— Ана шундай ажойиб корхонани қуришга меҳнатимиз сингганлиги билан фахрланамиз, — дейди бригадир Антон Степанович Зборовец. — Биз биринчилар қатори бу ерга келдик. Муҳим объект қурилишида ишлаш коллективимизни янада камол топтирди. Ижобий ташаббускорликнинг ошишига ёрдам берди. Биз бундан буён ҳам коммунистик меҳнат бригадаси коллективи деган юксак номга яраша меҳнат қилишимиз, ўзимизнинг барча билим, тажриба ва маҳоратимизни корхона иккинчи навбати қурилишининг ҳам жадал суръатлар билан боришига сафарбар этамиз.

Мураккаб асбоб-ускуналарни бошқариб, турли тоғ жинслари орасидан олтин саралаб олаётган коллективнинг биринчи қадамлари қутлуғ бўлди. Корхонада асосан ангренликлар ва шаҳар атрофидаги посёлкаларда истиқомат қилувчилар ишлашяпти. Уларни касбга ўргатиш учун курслар ташкил этилди. Ишчи кадрлар тайёрлашга Зарафшон, Олмалиқ ва бошқа шаҳарлардаги турдош корхоналар коллективлари, у ердан Ангрендаги фабрикага келган тажрибали мутахассислар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳозир бинокорлар корхонанинг иккинчи навбати қурилишини олиб боришяпти. Биринчи навбатида бир неча миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлса, иккинчи навбатни бунёд этишда ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Буни ҳисобга олган барча касбдаги бинокорлар ва монтажчилар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар, қурилиш суръатини ошириш билан бирга сифатининг яхши бўлишига алоҳида эътибор беришяпти.

— Фабрканинг биринчи навбати қурилиши ҳажми қанчалик улкан бўлса, — дейди «Ўзбекшахтострой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи А. Гречушкин, — иккинчи навбати ҳам биз бинокорлардан янада улкан ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни талаб этади. Коллективимиз бу муҳим объектни муддатидан илгари қуриб битказиш учун астойдил ҳаракат қилиш билан бирга, сифат масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Токи, олтин сараловчилар ўз корхоналари бунёдкорлари номини доимо илиқ сўзлар билан тилга олсинлар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ Социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори Ангрен олтин саралаш фабрикасининг иккинчи навбати бунёдкорларини улкан галабалар сари руҳлантириб юборди. Улар партия чақириғига жавобан тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари эса қурилишдаги ҳар бир участка, бригада коллективлари, шунингдек илғор ишчилар ўртасида социалистик мусобақани қизғин авж олдиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

В. УЛМАСБОЕВ.



Узбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институти коллективи катта ижодий иш олиб бормоқда. Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида янада самаралироқ фойдаланиш устида илмий-текшириш ишлари давом эттирилмоқда. Суратда: илмий ходим Шарифа Жабборова металлнинг нурланиш қувватини текшириб кўрмоқда.

В. Салов фотоси.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Бўстонлиқ район маданият уйи одатдан ташқари гавжум бўлди. Бу ерга район-нинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва бошқа касб эгалари келишганди. Район партия комитети ва район «Билим» жамияти ташкил этган илмий-назарий конференция Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигига бағишланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Меҳнат Қизил байроқ орденли партия тарихи институтининг директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов «Ўзбекистон Коммунистик партияси — КПССнинг жанговар отряди», институт директорининг ўринбосари тарих фанлари кандидати И. Хайитбоев «Ҳозирги даврда КПССнинг ленинча ташқи ва ички сиёсати» деган темада лекция ўқидилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари В. А. Емцов район экономикаси ва маданиятини юксалтиришда район партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Бундан ташқари, район-нинг тарихи, меҳнатга коммунистик муносабат, социалистик мусобақага бағишланган лекция ва суҳбатлар ҳам тингланди. Қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Йиғилганларнинг саволларига олимлар ва район партия комитетининг ходимлари жавоб беришди.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Чирчиқ шаҳридаги 10-автобаза республика Қурилиш министрлигининг йирик транспорт хўжаликларидан бири ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи шаҳарда қад кўтараётган турли объектларга бинокорлик материаллари етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўзаро мусобақа асосида ишлаётган шоферлар меҳнатда мақтовга сазовор ютуқларни қўлга киритишяпти.

Айниқса, улар ўтган хўжалик йилини яхши натижалар билан якунладилар. Юк ташиш давлат плани барча кўрсаткичлар бўйича анча ортиғи билан адо этилди. Планга қўшимча салкам 500 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатилди. Автобазада эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари ҳамда ёнилғини иқтисод қилиш учун қизғин кураш олиб борилди. Тежамкорлик юзасидан бошланган ҳаракатда аксарият ҳайдовчилар иштирок этдилар. Натижада 500 тоннага яқин ёнилғи тежаб қолинди.

Ҳозир базада 500 дан ортиқ турли маркадаги кўп юк кўтарадиган автомашиналар мавжуд. Мамлакатимизда янги ишлаб чиқарилган турли юк автомобиллари биринчилар қаторн ана шу база коллективи томонидан синаб кўриларитн. Сўнгра улардан Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон шароитида унумли фойдаланиш омиллари аниқланади ҳамда шу машиналарни ишлатадиган автохўжаликларга тавсиялар берилади.

Автобазада автодренажёр ишлаб турибди. Бу СССРда учинчи шундай қурилмадир. Бу қурилма ёрдамида шоферларнинг ишга лаёқати синаб кўрилади. Бу янгилик мамлакатимиз қаторн бошқа социалистик мамлакатларда ҳам катта қизиқиш туғдирмоқда. Шунинг учун Болгария, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Венгриядаги қатор автохўжаликлар мутахассислари Чирчиққа келиб, автобаза коллективининг намуналн ишларини ўрганмоқдалар, тажрибаларидан баҳраманд бўлишяпти. Айниқса, автодренажёр ниҳоятда фойдали қурилма эканлигини алоҳида таъкидлашяпти.

Т. УРУНОВ.

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ

Ичкарига кирганимизда, қишлоқ Советининг раиси қабулидан миннатдорчилик билан чиқиб келаётган йигитга кўзимиз тушди. У ўз суҳбатдошига қараб, «Раҳмат, сизнинг маслаҳатингиз билан иш юритаман», деб ташқарига чиқди. Абдулаҳад ака ҳам мамнун.

— Гапнинг тўғрисини ётиги билан тушунтириш яхши-да, деди у жойига ўтираркан. Кейин у йигитнинг касби, фазилатлари ҳақида гапириб: «Анчадан бери уй-жой масаласини ҳал қилолмасдан юраркан, бугун шу иш тўғри бўлди», деди. Ҳонадан чиққан йигит колхозда шофер бўлиб ишлар кан, қишлоқ Совети унн вақтинча колхоз биноларидан бирига жойлаштирибди. Янги йилнинг биринчи кварталида эса уй қуриш учун участка ажратиб беришни планга киритиб қўйибди...

Сурангентда 10 мингга яқин аҳоли яшайди. Қишлоқ Совети территориясида колхоз, мактаб, илмий муассаса, савдо, медицина, маданий ва маиший объектлар бор. Уларнинг ҳаммаси Абдулаҳад ака раислик қилаётган қишлоқ Совети билан бевосита боғлиқдир. Қишлоқ Совети депутатлари, доимий комиссиялари ўз соҳаларидаги ишларни доимо планли равишда амалга ошириб борадилар. Бу ерда 70 депутат активлик билан фаолият кўрсатмоқда. 9 та доимий комиссияга ҳам жамоат ишида синалган, обрў-эътиборли кишилар раҳбарлик қиладилар.

Республика дуб экинлари тажриба станциясининг мудири Х. Назаров, 33-мактаб директори Т. С. Тян ўртоқлар раислик қилаётган қишлоқ хўжалиги ва халқ маорифи доимий комиссияларининг иши диққатга лойиқдир. Уларнинг киритган таклифлари юзасидан шу йилнинг ўзида сессияда уч марта турли масалалар кўрилди.

Свердлов номли колхоз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича план ва мажбуриятларини бажарди. Чорвачиликда ҳам катта натижаларга эришди. Бу ишларда депутатлар ташаббус кўрсатдилар. Хусусан, Бувайда Раҳмонова, Ҳолида Шерова, Райҳоной Шодиева кабилар ўз звеноларида ғўзага ишлов беришдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишгача ҳамма ишни механизация ёрдамида амалга оширдилар. Уларнинг ҳар бири терим мавсумида пўлат бункерлардан 110—128 тоннадан пахта тўкди.

Қишлоқ Совети депутатлари бу йил қишлоқ марказини янада кўркамлаштириш, «Қизилтув» участкасида водопровод тармоғини кенгайтириш, аҳоли орасида янгича анъаналарни тобора кенгроқ ёйиш борасида иш олиб бордилар.

М. ТУРСУНОВ.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ МАКТАБЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ИЙҒИЛИШИДАН

Коммунистик меҳнат мактабларининг ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақанинг авж олиши, ишчиларнинг меҳнат ва ижодий активлиги ошишидаги роли беқиёсдир. Бундай мактаблар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари қўлга киритаётган ютуқларнинг янада салмоқли бўлишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Чунки, бу мактаблар машғулотларида қатнашаётган минглаб ишчилар илғор тажрибани, саноат экономикаси асосларини, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўлларини ўрганмоқдалар, ўзларининг малакаларини оширмоқдалар, иқтисодий билимлари доирасини кенгайтиришяпти.

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда областимиз саноат корхоналарида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлган бундай мактабларни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Корхоналар маъмуриятлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ва ВЦСПСнинг «Коммунистик меҳнат мактаблари ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори кўрсатмаларига амал қилиб, ишчиларнинг бу ўқуви формаси тармоғини кескин кўпайтирдилар, улар бераётган самарани оширишга эришдилар. Бундай мактабларда ўқув жараёнини яхшилаш, уни ҳар бир коллектив олдида турган вазифалар билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозир 2100 дан ортиқ коммунистик меҳнат мактаби ишлаб турипти. 1970—1971 ўқув йилида эса уларнинг сони бор-йўғи 178 та бўлиб, 5 минг киши таълим оларди. Ҳозир ўқувнинг ана шу муҳим формасига жалб қилинган ишчилар сони 44 минг кишидан кўпдир. Бундай мактабларда 60 мингдан ортиқ ишчи ўз малакасини оширди, илғор иш тажрибасини ўрганди, иқтисодий билимини чуқурлаштирди.

Коммунистик меҳнат мактабларини малакали ўқитувчи пропагандистлар билан мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Ҳозир 3100 дан ортиқ инженер, техник, новатор мактабларда машғулотлар олиб бормоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи КПСС аъзоси ва олий маълумотли мутахассислардир. Ҳозир областда коммунистик меҳнат мактаблари пропагандистлари ва тингловчиларига амалий ёрдам берувчи 250 дан ортиқ методик кенгаш ишлаб турибди.

Аксарият мактабларда машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Машғулотларнинг ғоявий-назарий даражаси ҳам кўнгилдагидек. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ўқувнинг бу муҳим формасини ташкил этиш, ундан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилаётган бўлса, шу ердаги мактаблар ишчиларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш фазилатларини тарбиялашда, социалистик мусобақа ва унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат учун курашни авж олдиришда катта роль ўйнамоқда. Бундай мактаблар тингловчиларининг кўпчилиги норма топшириқларини знёлан адо этишди. Улар орасида рационализаторлар ва новаторлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Мактаб тингловчилари томонидан меҳнат интизомини бузиш ҳоллари деярли учрамади.

Коммунистик меҳнат мактабларн ишини жонлаштириш ва ўқувнинг бу турига кўпроқ ишчиларни жалб қилиш соҳасида Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союзи комитетлари амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Комбинатда 47 та мактаб ишлаб турипти. Уларда 800 дан ортиқ киши таълим олаяпти. Корхона бўйича методик кенгаш ташкил этилган, ҳар бир ишлаб чиқаришда методик кабинетлар бор. Мактабларда машғулот бир ойда икки марта, ишдан ташқари вақтда ўтказилади. Уларда машғулотларни технологлар, мастерлар, хизмат бўлимларининг раҳбарлари, илғор тўқимачилар олиб боришади. Мактабларда пешқадамлар тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, донгдор тўқимачилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцева тажрибасини ўрганиш мактаблари самарали ишламоқда. Лидия Казанцева раҳбарлик қилаётган илғор тажриба мактабини ҳозиргача 46 ёш тўқувчи битириб чиқди. Уларнинг ҳаммаси нормадаги 26 ўрнига 36 та машинани бошқаришга ўтиб ишлашяпти.

«Таштекстильмаш», Тошкент самолётсозлик электронтехника, «Узбекхиммаш», Ўзбекистон металлургия заводлари, Чирчиқ электрохимия комбинати, трансформатор заводи ва бошқа кўпгина корхоналарда коммунистик меҳнат мактаблари фаолияти устидан доим назорат олиб борилади, уларга барча зарур ёрдам кўрсатилади.

Шу билан бирга йиғилишда «Узсовпроф» бешинчи Пленуми қарорлари асосида коммунистик меҳнат мактаблари ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақида» доклад қилган облсовпроф секретари В. И. Козлов ва музокарада қатнашган нотиқлар ҳали коммунистик меҳнат мактабларини ташкил этиш ва ўқув жараёнини яхшилаш соҳасида қатор нуқсонлар ҳам борлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бир қанча корхоналар, шу жумладан Бекобод цемент комбинати, 16-автоколонна, «Узбекэльмаш» заводи, «Ташэлектросеть», «Узбекэнергоремонт» корхоналари меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишда коммунистик меҳнат мактабларининг ролига етарли баҳо берилмаяпти. Шунинг учун ҳам бу ташкилотлар ва корхоналарда мактаблар жуда кам, айримларида деярли йўқ. Область колхоз ва совхозларида 90 мингдан ортиқ киши ишлаётгани ҳолда коммунистик меҳнат мактабларига жалб қилинган меҳнаткашлар сони 2 минг атрофида. Айрим мактабларда машғулотлар программа асосида, маҳаллий фактларга боғланган ҳолда олиб борилмаяпти. айниқса илғорлар тажрибасини ўрганишга етарли аҳамият берилмаяпти. Методик кенгашлар пропагандистларнинг доимий семинарлари иши устидан раҳбарлик лозим даражада олиб борилмаяпти.

Доклад юзасидан бошланган мунозараларда автомобиль транспорти ва йўл қурилиши ходимлари область касаба союз комитетининг раиси **А. Собиров**, Тошкент тўқимачилик комбинати, 2-йигирув фабрикаси коммунистик меҳнат мактаби ўқитувчиси **Г. Зарюпова**, «Узбекхиммаш» заводи партия комитетининг секретари **Н. Шарипов**, «Ташгекстильмаш» заводи токари **А. Зиновьев**, Чирчиқ трансформатор заводи директорининг ўринбосари **В. Востриков**, Узбекистон металлургия заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари **Д. Гузеватий**, Тошкент самолётсозлик заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари **М. Муҳамедов** ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

МЕҲНАТ ВАҲТАСИДА





Беш йилликнинг ҳал қилувчи йилидаги меҳнат ютуқларидан руҳланган Тошкент асбобсозлик заводи коллективи белгиловчи йилни ҳам ҳақиқий зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қарор қилган. Корхона ишчилари айни кунларда КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет ҳалқига Мурожаатига жавобан «кўп, сифатли, арзон маҳсулот учун» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: илғор ишчи Л. Яковленко сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга қуплик топшириқни 140—150 процентга етказиб бажармоқда. Корхонанинг 10-участкаси бошлиғи Р. Эмиралиев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

ГЎЗАЛ ҚИШЛОҚ

Қуёшнинг нурларидан қишлоқ рангба-ранг товланади. Тоза ҳаво гўё киши қалбини аллалайди. Қалин қордан бўшаган далалар қалбларга эҳтирос бағишлайди. Ўртаовул қишлоғи ўзининг бепоён пахтазорлари боғ ва узумзорлари билан машҳур.

Колхоз айниқса уста деҳқонлари ва моҳир механизаторлари билан бутун районга танилган. Исмоил Жўраев, Эргаш Қўрғонбоев, Нормуҳаммад Бўтаев ва бошқа механизаторлар ўтган йили ҳам экин парваришидан тортиб, то ҳосилни териб олишгача бўлган ишларни механизмлар воситасида бажариб, жонбозлик кўрсатдилар.

Колхозда шу кунларда 1974 йил мўл ҳосили учун катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда, барча техника ва уруғлик-тахт қилиб қўйилди. Экин майдонларининг унумдорлигини ошириш учун кўплаб маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг қутлуғ 50 йиллик тўйини меҳнатда катта зафарлар билан кутиб олиш учун курашаётган колхоз чорвадорлари қиш ойларида катта ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Қишлоқ ҳаётининг эртаси бугунгидан ҳам порлоқ. Ҳар бир файзли тонг янги зафар ва янги режалар билан ёришмоқда.

Б. ЭРГАШЕВА.
Янгийўл «Ленинизм» колхози.

МАВЗОЛЕЙ ҚАНДАЙ ҚУРИЛГАН

Алексей АБРАМОВ.

БУНДАН эллик йил муқаддам аёзли январь кунларининг бирида Қизил майдонда лўм ва чўкичларнинг тақир-туқури эшитила бошлади: москвалик қурувчилар Ленин мавзолейини бунёд этишга киришдилар.

Муэлаган ер метиндек қотиб кетган. Лўмлар ерга урилган сари тўмтоқлашиб кетарди. Заминни эритиш учун ёқилган гулханлар деярли ёрдам бермасди.

«Ленин мавзолейи» китобининг муаллифи—журналист Алексей Абрамов қуйида буюк доҳийнинг биринчи мақбараси қандай қурилгани ҳақида ҳикоя қилади.

1924 йил 23 январь тунида Қизил майдон бўйлаб бир одам оҳиста одим ташларди. Гўё у на аччиқ аёзни, на бинолардаги мотам байроқларини, на вақт алла бир маҳал бўлишига қарамай йўловчиларнинг одатдан ташқари кўплигини пайқамасди. У салобатли Кремль деворлари ва баланд миноралар тим қора шарпаларига, Василий Блаженний собори ва Тарихий музейнинг ғиштиндор ҳайбатига сичқов разм солади. Шу ҳолатда буларнинг ҳаммасини у биринчи бор кўриб турибди, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо, академик-меъмор А. В. Шчусев машҳур майдоннинг қарийб саккиз асрлик тарихини беш қўлдек яхши биларди ва унинг энг кичик архитектура деталларигача ёдида эди.

...Кечагина у Қизил майдонда ҳалок бўлган Октябрь қаҳрамонларининг Биродарлик қабри ўртасида Ленин мавзолейини зудлик билан лойиҳалашга киришиш ва уни қуриш ҳақида ҳукуматнинг шошилинч топшиғини олди.

Никольский минорасидан Спасский минораси томон аста одимлар экан, академик ўзининг илк ижодий фикрларини таҳлил қиларди.

— Владимир Ильич мангудир,— деди архитектор ҳукумат комиссияси аъзоларига.— Унинг номи Россия тарихидан, инсоният тарихидан ҳамишалликка, абадул-абад жой олди. Унинг хотирасини қандай ҳурматласак бўларкин? Унинг дахмасини қай шаклда қурсак экан? Бизнинг меъморчилигимизда шакли доим қўлланилиб келинган куб шаклидан ҳамма-ҳаммаси — меъморчилик ижодининг барча серқирра томонлари келиб чиқади. Владимир Ильич хотирасига ҳозир биз бунёд этадиган мавзолейни ҳам куб шаклида қуришга ижозат берсангизлар...

Мақбара лойиҳаси эрта тонгда ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланди. Тонготар ғира-ширасида А. Шчусев Кремлнинг Сенат минораси ёнғинасида қурилиш планини ишлаб чиқди ва иш олиб борилладиган жойни чегаралаб қозиқлар қоқиб чиқди.

Вақт жуда зиқ эди. Шу туфайли мавзолей вақтинчалик лойиҳалаштирилиб, энг қулай бўлган ёғочдан тикланди.

...Ўша аёзли изғирин кунлар ҳақида афсоналар юради.

Тинимсиз эсиб турган изғирида қарағай ғўлаларини йўнишарди. Совуқ ҳавода лўм, чўкич, белкураклар товуши баралла эшитилиб турарди. Қўллар қаҳратон севуқдан, ғам-ғуссадан қотиб қоларди.

Бир ярим метргача қадар музлаган ер ҳадеб тихирлик қиларди.

Саперларни чақиришди. Улар уюшқоқлик билан ишга киришишди. Шурфлар ясашди, шнурлар тортишди. Яқин орада жойлашган ишчи ҳайкали ҳамда Сенат минорасига ўрнатилган мемориал тахтага знён етказмаслик учун ерни нечоғлик эҳтиёт билан портлатиш лозим эди. Қизил аскарлар майда қўпоручи патронларни қўлланишди.

«Эҳтиёт бўл!» командаси янграйди. Кишилар ҳавотирсиз жойларга беркинишади. Қисқа портлашлар кетма-кет гумбурлайди. Муэлаган тупроқ-тош ҳавога учади. Москва аҳолиси артиллерия отишмасига ўхшаш бу қутилмаган гумбурлашларга қулоқ солиб, ҳавотирланарди... Фақат 24 январь кечга томон юмшоқ тупроқ қатламига етишга муваффақ бўлинди.

25 январь куни қурилишга Бела Кун бошчилигидаги венгер коммунистлари келишди. Сўнгра поляклар, австриялик-лар, финлар кўмакка келишди... Бу фақат меҳнаткаш қўлларгина билган энг гамгин, юракни зирқиратувчи иш эди. Турли мамлакатларнинг пролетарлари ўз доҳийсига, ўз устози ва дўстига қабр бунёд этардилар.

26 январь кечаси совуқ кучайиб, 28 градусгача етди. Гулханлар деярли ёрдам бермасди. Юз шамлик лампалар ёруғида котлован тубида ишлаётган ер қазувчиларга янада қийин бўлди. Дурадгорларга яна ҳам қийин эди: михлар бармоқларга чиппа-чин ёпишиб қоларди. Қурувчилар тасодифан йўлиқиб қолган юқори кучланишдаги ер ости электр кабеллари ва қадимий деворларнинг қолдиқлари жуда ҳалақит берарди. Бироқ кишилар ишни тугатмай кетмас, ҳатто ўрин алмашишни рад этишарди.

«Совуқми, ота?»— сўрашди серсоқол бир дурадгордан. «Ҳа, бироқ юрагим бундан ҳам ортиқроқ музлаган» деб жавоб қилди у.

Дурадгорлар ишни ўз муддатида тугаллаш мақсадида котлованнинг тайёр бўлишини кутиб ўтиришмади. Улар тўғридан-тўғри майдоннинг ўзида мавзолейнинг бус-бутун каркасини тикладилар. Ёғочга ишлов бериш заводининг ишчилари уларни зарур конструкциялар билан таъмин этиш мақсадида деярли икки ярим сутка мобайнида қурилиш майдонидан нари кетмадилар. Ер қазувчилар котлованни битиришганда дурадгорлар мавзолейнинг тайёр қисмини дарҳол пастга туширишди. Шу заҳоти деворларга тахталар қоқиб чиқилди. 27 январь кечаси соат 3 да улар сўнгги михни қоқиб улгуришди. Пардозловчилар ва безовчилар эрталаб соат 7—8 гача ишлашди. Улуғ доҳийни сўнгги йўлга кузатаётган ҳарбий фахрий эскорт Қизил майдонга кириб кела бошлаганда қурувчилар мавзолейни тарқ этишди.

«Совуқми, ота?»— сўрашди серсоқол бир дурадгордан. «Ҳа, бироқ юрагим бундан ҳам ортиқроқ музлаган» деб жавоб қилди у.

Дурадгорлар ишни ўз муддатида тугаллаш мақсадида котлованнинг тайёр бўлишини кутиб ўтиришмади. Улар тўғридан-тўғри майдоннинг ўзида мавзолейнинг бус-бутун каркасини тикладилар. Ёғочга ишлов бериш заводининг ишчилари уларни зарур конструкциялар билан таъмин этиш мақсадида деярли икки ярим сутка мобайнида қурилиш майдонидан нари кетмадилар. Ер қазувчилар котлованни битиришганда дурадгорлар мавзолейнинг тайёр қисмини дарҳол пастга туширишди. Шу заҳоти деворларга тахталар қоқиб чиқилди. 27 январь кечаси соат 3 да улар сўнгги михни қоқиб улгуришди. Пардозловчилар ва безовчилар эрталаб соат 7—8 гача ишлашди. Улуғ доҳийни сўнгги йўлга кузатаётган ҳарбий фахрий эскорт Қизил майдонга кириб кела бошлаганда қурувчилар мавзолейни тарқ этишди.

Тонг ғира-ширасида совуқдан, ғамнокликдан гўё оқариб кетган Кремлнинг кекса деворлари фонида қорамтир-кулранг тусдаги мавзолей қад кўтариб турарди. Унинг пештоқида: ЛЕНИН сўзи қорайиб кўринарди.

Биринчи мавзолей ҳозиргисига кам ўхшарди. Унинг баландлиги тахминан уч метрга борарди... Ўнг томонидан ер ости мотам залига кириладиган ёғоч иморат, чапда — чиқиладиган эшик бўларди. Ички деворлар йўл-йўл хошияси бўлган қизил албон билан қопланганди. Мотам залининг шимида ишчи-деҳқон ҳокимиятининг тимсоли — Ўроқ ва Болға ял-ял ёниб турарди.

Ленининг биринчи мавзолейини кимлар қурган? Қаҳратон изғиринда, қадрдон Ильичимизга ғоят қисқа муддат ичида мақбара қурган усталар ким ўзи?

Мавзолейни Сокольники (ўша йиллари пойтахтнинг энг йирик .ташкилотларидан бири эди) қурилиш конторасп ва Москва коммунал хўжалигининг қурилиш бўлими тиклаган. Қурилиш конторасига ўша вақтда собиқ ишчи, Совет ҳокимияти йилларида инженер бўлиб етишган М. Е. Борзов, Москва коммунал хўжалиги қурилиш бўлимига эса, машҳур москвалик большевик, 1917 йил Октябрь революциясининг актив қатнашчиси И. В. Цивцивадзе бошчилик қиларди. Котлованни тайёрлашда инженер Сухаревскийнинг саперлар командаси ёрдам берди.

Ака-ука дурадгорлар Гаранкинлар, Суворовлар, Локшинлар, Андрюхин, Пронькин, техник С. С. Рябчиков,* ўнбоши С. С. Попов, прораб И. К. Юлин, инженерлар А. Я. Гольц, И. А. Алексеев, архитекторлар Гладишев, А. В. Швидковский ва бошқалар ўзларининг бутун маҳоратларини, Ильичга бўлган бутун меҳр-муҳаббатларини ғамгин ва фахрли ишга бағишладилар. Вернадский проспектида Ильичнинг биринчи мақбарасини қуришда иштирок этган москвалик кекса қурувчи А. Ф. Кузоваткин истиқомат қилмоқда.

Биз Қизил майдондаги Ленин мавзолейига шунчалар кўникиб қолганмизки, унинг қачонлардир бошқача бўлгани хаёлимизга ҳам келмайди.

1924 йилнинг баҳорида биринчи мавзолей бирмунча монументал янгиси билан алмаштирилди. 1929—1930 йилларда гранитдан қурилган доимий Ленин мавзолейи бунёд этилди. У содда ва жуда улуғвор. Гранит мавзолей — бу Владимир Ильич ўз ҳаётини бағишлаган ишнинг енгилмаслиги ва қудратининг рамзидир. Пролетариат революцияси доҳийсининг мақбараси — унинг абадий барҳаётлигига ва унинг ўлмас таълимотига тимсолдир.

Бутун дунё меҳнаткашлари учун революциянинг ўлмас доҳиси ётган бу бино қанчалик азиз ва яқин бўлиб қолганлиги ҳақидаги ҳамма тафсилотларни айтиш қийин. У ўз постида. Доҳий ҳузурига. У тириклик пайтидагидек ҳозир ҳам ишчилар ва деҳқонлар, инженерлар ва командирлар, космонавтлар ва пионерлар, барча миллат ва ирқдаги кишилар қабулга келишади.

Бу—қанчадан-қанча кишиларга қатъий, кучли, саховатли, бўлишда кўмак бермаган дейсиз!..



Москва. Қизил Майдон. В. И. Ленин мавзолейининг умумий кўриниши.
В. Кунов ва Б. Трепетов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

«МОСКОВСКАЯ ПРАВДА» газетасидан.

Жаҳон янгиликлари

«КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА» Л. И. БРЕЖНЕВ МАҚОЛАЛАРИ ВА НУТҚЛАРИ ТЎПЛАМИ

СОФИЯ, 18 февраль. (ТАСС). Болгария Компартиясининг нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев мақолалари ва нутқлари тўпламини «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида» деган ном билан болгар тилида босмадан чиқарди.

Л. И. Брежневнинг китобида, дейилади кириш сўзида, КПСС ташқи сиёсат фаолиятининг энг муҳим стратегик йўналишга — жаҳон социализм системаси позицияларини мустаҳкамлаш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама қардошларча алоқаларни, дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш учун курашига тўла-тўкис характеристика берилган. Халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини, барча революцион, демократик ва тинчликсевар кучлар бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида, жаҳон антиимпериалистик фронтини жипслаштириш борасида КПССнинг ҳормай-толмай куч-гайрат сарфлаётганлигига алоҳида эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитетининг, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг ва бошқа қардош Коммунистик партияларининг сўнгги йилларда бўлиб ўтган пленумлари КПССнинг актив ташқи сиёсат йўлига юксак баҳо бериб, планетамизда мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчликни таъминлаш учун курашга Л. И. Брежнев шахсан катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари халқаро муносабатлар соҳасида кенг ва хилма-хил иш олиб бормоқда, КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда унинг шахсий хизматлари катталиг. Л. И. Брежнев замонамизнинг энг йирик сиёсий арбобларидан бири сифатида, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун, халқаро сиёсий иқлимни юмшатиш учун таниллган курашчи сифатида бутун ер юзида машҳурдир.

Л. И. Брежневнинг мақолалари ва нутқлари тўплами унинг кириш сўзида КПСС ва Совет давлати ленинча сиёсатининг назарий ва амалий принципиал қоидаларини ижодий ривожлантирувчи ва бойитувчи ҳозирги замон марксча-ленинча сиёсий тафаккурнинг энг муҳим асари деб таърифланади.

БАРЧА ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВАРШАВА. «Поллена» рўзғор химияси саноат бирлашмасининг корхоналари ишлаб чиқараётган кенг истеъмол товарларига Польшадагина эмас, унинг ташқарисида ҳам талаб катта. Бу савдо маркази Совет Иттифоқининг харидорларига ҳам яхши таниш.

Мамлакатда рўзғор химияси буюмлари ишлаб чиқариш 1974 йилда қарийб 24 процент ортади.

ПАРИЖ. Энергетика танқислиги Франция автомобиль саноатига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Ёқилғининг қимматлашганлиги натижасида Францияда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга мамлакат ичкарисида бўлгани сингари, чет элларда ҳам талаб анча камайди.

ПАРИЖ. Лиссабондан хабар беришларича, Португалия министрлар Советининг раиси Марселу Каэтану мамлакат иқтисодий соҳада бўлгани каби, ташқи сиёсат соҳасида ҳам жуда оғир проблемаларга дуч келмоқда, деб тан олган. Каэтану Португалиядаги ягона ошкора партия-миллий халқ ҳаракати партияси съездида нутқ сўзлаб, ҳукумат шу билан бирга ўзининг мустамлака сиёсатини ўзгартириш ҳамда Африкадаги Португалия мулкидан бош тортиш ниятида эмас, деб таъкидлади.

ҚОҲИРА. Миср билан Гвинея республикаси икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим имзоладилар. Биринчи битимга мувофиқ, 1974 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар оборотни ҳажмини 3 миллион долларгача кўпайтириш кўзда тутилади. Иккинчи битимга мувофиқ эса Миср Араб Республикасининг Гвинеяда ёғочсозлик саноати корхонаси қурилишида ва алюминий заводини кенгайтиришда иқтисодий ва техникавий иштироки кўзда тутилади.

ИСЛОМОБОД. Покистон 1972—73 молия йилида шоли экспорт қилишда рекорд кўрсаткичларга эришди, деб хабар берди соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министри Муҳаммад Рашид шоли сотишдан тушган валюта шу давр мобайнида 958 миллион рупийни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда Покистонда 3 миллион 700 минг акр майдонга шоли этилмоқда.

НАЙРОБИ. Кения ҳукумати бир қанча йирик корхоналар қуриш йўли билан миллий экономиканинг саноат секторини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Молия ва иқтисодий планлаштириш министрлиги вакилининг бу ерда айтган сўзларига кўра, мамлакатда автомобиль йиғув заводи, янги қанд комбинати ва бошқа корхоналар қурилади. Бу корхоналар ҳукуматга саноат буюмлари ва озиқ-овқатни четдан олиб келишга сарфланадиган харажатларни қисқартириш, Кения экспортининг структурасини кенгайтириш ва ўзгартириш учун шарт-шароит яратиш имконини беради.

(ТАСС, 18 февраль).

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ БАЖАРИЛСИН

ЖАКАРТА. 18 февраль. (ТАСС). Иккинчи халқаро Ислом конференциясида қатнашмоқ учун Лохурга жўнаб кетаётган Индонезия ташқи ишлар министри А. Малик Жакарта аэропортида гапириб, Бирдашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгашининг Исроил қўшинларини оккупация қилинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни талаб қилган 1967 йил 22 ноябрдаги резолюциясини Исроил огишмай бажариши лозимлиги Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишнинг муқаррар зарур шарти эканлигини айтди. У, Исроил ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарққа доир қарорларини кечиктирмай ва изчиллик билан амалга ошириш керак, деди.

МАРРА—40 ЦЕНТНЕР

Қиш охирлай деб қолди. Колхоз деҳқонлари ҳаракатда, янги ҳосил тараддудини кўришмоқда. Хўжалик устахонасида иш тобора қизғин тус олмоқда. Механизаторлар тракторлар ремонтини тугаллашди. Сеялкалар, борона ва бошқа асбоб-ускуналар тайёр ҳолга келтирилди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Бу колхоз пахтакорлари ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 36 центнерга етказилди. Давлатга 3883 тоннадан ортиқ «оқ олтин» ҳадя этилди. Бу олдинги йилга нисбатан салкам 500 тонна кўпдир.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида колхоз раиси Эргаш Ниёзов сўзлаб, муваффақиятлар ҳақида батафсил тўхталди:

— Беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида яхши натижалар қўлга киритилди. Пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ва сабзавотчиликда ҳам маҳсулот етиштириш сезиларли даражада ошди. 1972 йилга нисбатан 100 тонна кўп шоли, 150 тоннага яқин сабзавот, 165 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари, 1,5 минг тонна кўп дағал хашак, минг тоннага яқин силос ва 15 центнерга яқин пилла кўп тайёрланди. Ўтган уч йил ичида чорвачиликда эришилган муваффақиятлар юқори бўлди. Олдинги йиллари чорвачиликдан фақат зарар қўрилар эди. Ўтган йили чорвачилик рентабелли тармоққа айланди. Бир йилнинг ўзида 1600 центнер сут, 40 центнер гўшт, 10 минг дона тухум кўп етиштирилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут 2700—2800 литрга етказилди, ўтган уч йил ичида сут етиштириш икки баравар ортди.

Беш йилликнинг ўтган уч йилида хўжалик деҳқонлари давлатга пландан ташқари 3600 тонна пахта, 6000 килограмм пилла, 83 тонна шоли, 151 тонна сут, 20 мингдан ортиқ тухум етказиб бердилар.

Хўжаликда пахтачилик усталари, миришкор деҳқонлар оз эмас. Улар йилдан-йилга «оқ олтин» етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Қирқцентнерчилар ҳаракати кенг йилмоқда. У. Исроилов, Н. Чинтошев, Б. Бойтўраев, Т. Рустамов каби бригада бошлиқлари дала ишларини илғор усуллар ва фан ютуқлари асосида ташкил этиб, бутун куч ва маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Ниғилишда сўзга чиққан колхоз тафтиш комиссиясининг раиси ўртоқ Н. Ортиқов, бригада бошлиқларидан О. Қўшоқов, П. Деҳқонбоев, Р. Арслонов, Қ. Найманбоев ўртоқлар қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, янги йилда ҳосилдорликни янада ошириш учун бутун резервларни ишга солиш лозимлиги ҳақида сўзладилар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати колхоз пахтакорларини янги зафарлар сари руҳлантирди. Улар ҳисобот йиғилишида зиммаларига янги мажбурият қабул қилишди. Бу йил гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказиш, чорва, сабзавот ва пилла етиштиришни янада кўпайтиришни белгилаб олдилар.

Хўжаликда деҳқончиликдан катта даромад олинмоқда. Ўтган йили яхши даромад 2 миллион 267 мингни ташкил этди. Уч йил ичида қишлоқ қурилишига бир миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Колхозчиларга 60 та турар-жой биноси қуриб берилди. Юз ўринли болалар боғчаси, машина трактор парки қурилиб фойдаланишга топширилди. Меҳнатдан келаётган бойлик деҳқонлар турмушини янада яхшилашга, маданий-маиший хизматни яхшилашга сарфланмоқда. Бугунги кунда ҳар бир хонадонга зангори олов киритилган.

Пахта етиштиришда ички резервларни излаб топиш ва ишга туширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ердан унумли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қилинаётган ишлар ҳам ибратлидир. Шунинг учун ҳам хўжаликда пахта етиштириш тобора кўпаймоқда. Деҳқонларнинг тадбиркорлик билан иш юритаётганлиги сабабли пахтага кам харажат сарфланиб кўпроқ фойда кўрилмоқда. Ўтган хўжалик йилида деҳқончиликда 413 минг 800 сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Чорвачиликдан эса 244 минг сўмдан ортиқ фойда келди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори колхозчи деҳқонлар ўртасида кенг муҳокама этилди. Улар бу қарордан руҳланиб ўзаро социалистик мусобақани янада авж олдириш, беш йилликнинг белгиловчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришга аҳд қилдилар.

Колхоз пахтакорлари, чорвадор ва сабзавоткорлари шу кунларда кўтаринки руҳ, ғайрат билан баҳорга тайёргарлик ишларини қизғин олиб боришмоқда. Улар бу йил гектар бошига ҳосилдорликни планда белгиланганига нисбатан 10—15 центнерга ошириш, ҳар бош сигирдан 300 литрга етказиб сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилишди.

Н. ТУРАЕВ,
Б. ИЎЛДОШЕВ.
Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз.

ЖАЖЖИ МАШИНАЛАР

«Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган терим агрегатлари ҳозир барча пахтакор республикаларда машҳур.

Энди бундай машиналар моделини ўйинчоқ магазинларидан сотиб олиш мумкин. Яқинда марказнинг конструкторлик бюроси Чкалов номли завод ўйинчоқлар конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда терим машинасининг моделини яратди. Ҳозир ўйинчоқ макетини тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективи бу йил яна 25 хил ўйинчоқлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб олади. Улар орасида сув сепадиган ўйинчоқлар, самолётлар, туя ва бошқа хил ўйинчоқлар бор. Булардан ташқари ўзи юрадиган 50 сантиметрли енчқонлар ҳам тайёрланади. Турли қўғирчоқлар ҳам жажжи қизалоқларга маъқул тушади. Буларнинг ҳаммаси кичкинтойлар кўнглини овлаш учун қилинмоқда.

А. МУРИЕВ.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

«Марказ—4», «Марказ—5», «Марказ—6» микрорайонларида яшовчи сайловчилар Димитров номли 9-ўрта мактаб залига тўпланишди. Сайловчилар олдида Киров районида сайловчилар наказларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида шаҳар ва район Советларининг депутатлари Г. Қ. Ҳайдарова ва О. Расулов ўртоқлар гапириб бердилар.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Хонага кириб келган аёлнинг қиёфаси ҳомушроқ эди. Унинг нимадандир анчагина азият чекканлиги шундоқ сезилиб турарди.

Бобожон Ғойибназаров депутатлар хонасида аёлни илиқ қарши олди. Унга ўтириш учун жой кўрсатар экан, «Хўш, нима гап» дегандек назар ташлади.

— Биттагина боламни боғчага жойлашиш учун қачондан бери овораман. Ишлаш ниятида эдим, орзум амалга ошмаяпти.

Аёл бошқа гапиролмади. Унинг кўзларида ёш қалқиб турарди. Депутат учун масала равшан бўлди: аёлга ёрдам кўрсатиш керак. Бобожон ўша куни сайловчидан тушган шикоятни махсус дафтарга қайд этди. Орадан бир неча кун ўтгач Бекобод шаҳар Советига йўл олди. У ерда Б. Ғойибназаров металлургия заводининг илғор бригада бошлиғи сифатида ҳам эмас, жонкуяр депутат сифатида ҳам катта ҳурматга эга. У қандай ишга бош қўшмасин, ҳал қилмагунча тиниб-тинчимайди.

Боғча масаласи ҳам ҳал бўлди. Аёл ишга жойлашди.

Шаҳар Советининг депутати Б. Ғойибназаров ҳаётидан бундай лавҳаларни кўплаб келтириш мумкин. У ҳамиша одамлар ўйи, ташвиши билан яшайди. Бобожон металлургия заводига комсомол ёшидаёқ келган эди. Қисқа вақт ичида ишчанлиги билан коллектив орасида ҳурмат қозонди. Комсомол ишларида актив қатнашди. Кейинчалик у партия сафига қабул қилинди. Мана бир неча йилдирки. У корхонада бригада бошлиғи. Цех комитетининг раиси сифатида ҳам ишчилар кундалик эҳтиёжи ва талабларини ҳамиша эътиборда тутади. Айниқса у ўзи раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат мактаби тингловчиларига кўп ёрдам кўрсатади. Ишчилар орасида иқтисодий билим асосларини пропаганда қилади.

Металлурглар саройида жойлашган депутатлар хонаси ҳамиша сайловчилар билан гавжум. Ҳафтанинг маълум бир кунида уларни Б. Ғойибназаров қабул қилади. Бу хонада кундалик турмушга оид бўлган жуда кўп масалалар ҳал этилади. Сайловчилардан бири турар жойини кенгайтириш ҳақида депутатга маслаҳат солса, бошқаси боғча, ясли борасида ёрдам кўрсатишни илтимос қилади.

Депутатнинг асосий бурчларидан бири ўз округида истиқомат қилаётган сайловчиларнинг умумий манфаатларига хизмат қилишдир. Бир куни Киров поселкасининг аҳолиси Ғойибназаровга **асбест трубалари топиб беришда** ёрдамлашишни сўраб, наказ топширдилар. У аҳволни ўрганиб, ҳақиқатан ҳам йўл чекаларидаги ариқлар санитария ҳолатини яхшилаш учун бундай трубалар чиндан ҳам зарур, деган қарорга келди. Аҳоли талаби бажарилди.

Депутат Бобожон Ғойибназаров халқ меҳрига лойиқ ишлаш учун ҳамиша ҳаракатда.

Б. НУРМУҲАМЕДОВ.



Бруксайд кончиларининг намойиши ярим йилдан бери давом этиб келмоқда. Меҳнаткаш Америка Брукейайдда намойишчиларни қўллаб-қувватламоқда. Ишчилар бу курашларини галаба қозонгунча давом эттиришга қарор қилишган. Суратда: намойишга чиққан кончилар ва уларнинг оила аъзолари.
ТАСС фотохроникаси.



Зардўзларда олам чиройи. Б. Салов фотоэтюди.

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА

Калинин район колхоз-совхозларида ўтган йили иккита поликлиника, тўртта амбулатория ишга туширилди. Яқинда Киров номли қишлоқ Советида ҳам икки қаватли янги поликлиника қишлоқ аҳолисига хизмат қила бошлади. Поликлиникада хирургия, терапия, тишдаволаш, кўз касалликлари бўлимлари бор. Улар «Тошкент -1», «Тошкент-2» совхозлари ишчиларига хизмат қилади.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент Давлат Консерваториясининг катта концерт залида 10 кун давом этган II республика ёш ижрочилар конкурси якунланди.

ЎзССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси 50 йиллик юбилей тўйига бағишлаб ўтказилган анжуманга республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан келган 100 га яқин ёш талантлар иштирок этди. Турли миллат вакиллари ранг-баранг программада ўйин кўрсатдилар. Ёш талантларнинг маҳоратига ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, порфессор Ашот Иванович Петросян раислигида машҳур музика намояндалари, устоз ўқитувчилар, дирижер ва созандалар ҳайъати баҳо балларини қўйиб бордилар.

Яқинда якунлаш кечаси бўлди. Кечани СССР халқ артисти, Давлат ва халқаро мукофотлар лауреати, профессор Мухтор Ашрафий очди.

Конкурс ҳайъатининг қарорини эълон қилиш учун сўз доцент А. А. Одиловга берилди. Залда ўтирганлар бирин-кетин диплом, совға ва олқиш олаётган 1-даражали диплом лауреатларини қутлайдилар. Мана улар: Омон Азизов, (най, Тошкент маданий-оқартув техникумини музика ўқитувчиси), Санъат Азизов (доира, Ҳамза номли Тошкент музика билим юрти студенти), С. Акбархўжаев (ғижжак-контра-бас, Ўзфилармония солисти), Ш. Зиёев (рубоб-прима, консерватория студенти), И. Қосимов (най, Фарғона музика билим юрти ўқитувчиси), Мураталиев (рубоб-прима-Фрунзе давлат музика институти ўқитувчиси), Расулов Б. (ғижжак — Ўзфилармония солисти), Серебряников (баян — Самарқанд музика билим юрти), Ш. Йўлдошев (ғижжак, Ўзфилармония солисти).

Иккинчи даражали диплом ва лауреат унвонига 8 қатнашчи, учинчи даражали диплом ва лауреат унвонига 9 киши сазовор бўлди.

Республика маданият министрининг ўринбосари А. М. Муҳамедов лауреатларни қизғин табриклади.

Кўпгина иштирокчилар, концертмейстерлар, конкурс ташкилотчилари министрлик номидан дипломлар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Тантанали кечанинг II бўлими лауреат созандалар концерти билан ниҳоясига етди.

А. ИСМАТИЛЛАЕВ.

Спорт

ЕШЛАР МАҲОРАТИ

Шахмат бўйича Тошкент биринчилиги мусобақалари қизғин давом этмоқда. Дастлабки беш турдан сўнг Ўзбекистон терма командаси ёш аъзолари Р. Зиёвутдинов билан Н. Айдаров тўртадан очко тўплаб пешқадамлик қилмоқдалар.

Шашкачиларнинг Тошкент чемпионатида ҳам ёшлар маҳорати алоҳида сезилиб турди. Мастерликка кандидат А. Эндлин 13 имконятдан 10 очко тўплаб, турнир пешқадами бўлди. И. Фридман ва А. Моисеев иккинчи ва учинчи ўринни бўлишиб олдилар. Мусобақа ғолиблари Ўзбекистон чемпионатида иштирок этадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПЕШҚАДАМ

Наманганда Ўзбекистон «Спартак» кўнгилли спорт жамияти совети биринчилиги учун ўтказилган шахмат мусобақаси якунланди. Мусобақада Тошкент область «Спартак» кўнгилли спорт жамияти командаси ҳам иштирок этди. Команда аъзолари 24 имконятдан 17,5 очко тўплаб биринчи ўринни эгалладилар. Мусобақаларда спорт мастери Озода Аҳмедованинг сингланси Хонзода ҳамма дан кўп очко тўпладн.

«БИНОКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

«А» класси иккинчи группа командаларининг СССР биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Навбатдаги турда Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари ўз майдонларида турнир жадвалининг учинчи ўринда келаётган Тюменнинг «Рубин» командасини қабул қилдилар. Кескин спорт кураши билан ўтган бу учрашувда майдон эгалари 7:3 ва 7:6 ҳисобида ғалаба қозондилар.

ОЛТИН МЕДАЛЬ МУБОРАК

Швециянинг Фалун шаҳрида чанғичиларнинг ўттизинчи жаҳон чемпионати мусобақалари қизғин давом этмоқда. Мусобақаларда аёл чанғичиларимиз айниқса муваффақиятли қатнашмоқдалар. Беш километрлик трасса бўйлаб ўтказилган мусобақада Ижевск шаҳридан борган спортчи жаҳон чемпиони Галина Кулакова ғолиб чиқди. У белгиланган трассани 15 минут 17.42 секундда босиб ўтди ва чемпионат олтин медалига сазовор бўлди. Ватандошимиз Раиса Сметанина бу масофани 15 минут 34,80 секундда босиб ўтиб, бронза медалини қўлга киритди.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XIII спартакиадасига тайёргарлик кўриш давомида Боку шаҳрида Арманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон ёш полвонларининг мусобақаси ўтказилди. Мусобақаларда Тошкент шаҳридаги Г. Титов номли спорт умум таълим мактабинтернатининг битирувчиси Гарик Мовсесян ажойиб муваффақиятни қўлга киритди. У турнирда ўтказган беш учрашувининг ҳаммасига кўпи билан 10 минут вақт сарф қилди холос. Ўйиннинг биринчи бўлимидаёқ у рақиблари устидан ғалаба қозонаверди. Шу тариқа Гарик Боку турнири ғолиби бўлиб қайтди.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти «Бодомзор» маҳалласида «Коммунистик аҳлоқ ва одоб» халқ университети ташкил этган эди. Машғулотлар икки йиллик план асосида олиб борилмоқда. Университет машғулотларига қўшни «Боксёр» ва Тельман номли маҳаллалар аҳолиси, 12, 88, 105-мактаб педагоглари жалб қилинган.

Куни кеча Тельман номли маҳалла клубида университетнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда республикада хизмат кўрсатган врач И. Фозилов «Соғ танда соғлом ақл», республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Усмонов «Оилавий муносабатларнинг бола тарбиясига таъсири», маориф аълочиси С. Мақсудов «Мактаб ва жамоатчилик» темаларида суҳбат ўтказдилар. Навбатдаги суҳбат ва учрашувлар Ўзбекистоннинг ярим асрда қўлга киритган ютуқларига бағишланади.

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

«Ёш гвардия» драма театри ижодкорлари янги-янги спектакллар яратиб ёшлар олқишига сазовор бўлмоқдалар. Коллектив республикамизнинг ярим асрлик тўйига пухта тайёргарлик кўраётир.

Ўлмас Умарбековнинг «Жўра қишлоқ» повести асосида тайёрланадиган янги спектакль, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдулла Орипованинг «Соя» драмаси юбилей репертуарига киритилган. Коллектив қардош республикалар ёзувчиларининг асарларини ҳам саҳнага қўйиш борасида бир қанча иш қилмоқда. Тожик драматурги А. Сиддиқийнинг «Қон—нон, одамлар» асари ҳам томошабинларга тақдим этилади.

Ёш томошабинлар театри коллективи бу йил Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областига ижодий сафар қилиб, янги спектакларни кўрсатади.

САЁҲАТГА МАРҲАМАТ

Республикамиз тарихий шаҳарларини кўришга келаётган туристлар йил сайин кўпаймоқда. Яқинда Тошкентга Ленинград ва Москвадан, Литва шаҳарларидан бир группа туристлар келишди. Улар пойтахтимиз қурилишлари, В. И. Ленин музейи ва халқ хўжалик ютуқлари виставкасида бўлиб, ютуқларимиз билан танишдилар. Бу йил Тошкентни мамлакатимизнинг 70 дан ортиқ шаҳарида яшовчи туристлар кўриш истагини билдиришган. Дўстларимиз кўҳна ёдгорликлар шаҳри — Самарқанд, Бухорога ҳам йўл олишади.

Куни-кеча республикамизнинг бир группа туристлари Украина ва Ленинград, Болтиқбўйи бўйлаб саёҳатга кетишди. 26 февралда 330 дан ортиқ пахтакор махсус поездда Закарпатье бўйлаб саёҳатга жўнайди. Пахтакорлар ўндан ортиқ шаҳарда бўлишади.



А. Гайдар номидаги болалар кутубхонаси 51 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Пойтахтдаги кичкинтойларнинг севимли билим даргоҳига айланган бу кутубхона ўз фондини тобора бойитиб бормоқда. Суратда: З. Беньяминова (ўнгда) ва Г. Верина янги китоблар картотекасини тузишмоқда. Собир Раҳимов районидаги пионерлар уйида бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Кема модели машғулотларига инженер-механик Қобил Мансуров бошчилик қилмоқда. Суратда: тўгарак аъзолари машғулот пайтида (чапда). А. Тўраев ва Т. Каримов фотолари.

ИГВОГАРНИНГ ТАВБАСИ

ПРОКУРОР ИШИДАН ЛАВҲА

...Бу гапга ҳеч ким ишонмаса керак. «Игвогар тавба қилиб бўлибди», дейишлари турган гап.

Йўқ, бунга унинг ўзи бажонудил рози бўлгани йўқ, албатта. Бунга уни мажбур қилишди, кўпчилик ўртасида тавбасига таянтиришди. Ўша куни ўртага чиқариб қўйиб, сазойи қилишганда кўзларини айлантириб одамларга гоҳ тик қараб, гоҳ бўйнини ҳам қилиб «Мен энди ёзишни тўхтатаман, ишимни яхшилайман» деди. Нигин бўлаётган жой бирдан сокин бўлиб қолди. Кимдир:

— Тавбасига ишонса бўладими?— деди.

— Энди шундай қилсам, қўлларим куриб қолсин...

Қўлга тушган тулкининг овчи панжалари орасида типирчилашдан бўлак иложи йўқ эди.

Бу райондаги колхозлардан бирида бўлиб ўтган эди. Кўп вақтлардан бери ўз вазифасини сидқидилдан бажариш ўрнига ҳар хил бўлмағур гаплар йиғиндисидан иборат бурама хат ёзиб юрувчи Т. меҳнаткашлиги туфайли яхши ҳаёт кечираётган кишилар устидан, катта-кичик раҳбарларни чалиб, сувни лойқатиб юрган. Унинг «шикоят хат»лари район ташкилотларида «нотўғри» ҳал қилингани учун область ва республика ташкилотларига ҳам етиб келган. Имзоси бўлмаса ҳам «Мен коммунист сифатида масъулиятни тўлалигича ўз зиммамга оламан» деган сўзларига ишонгани учун хат юборилган жойга баъзан икки киши, баъзан уч кишидан иборат текшириш комиссияси келаверар. Т. йўқ деган нарсалар жойида тургани, қилинмаган ишлар аллақачон бажариб қўйилгани, одамлар бу қишлоқда қайси миллатда бўлишига қарамай, ака-укадек яшаётганликларини кўриб, «Бизни яна овора қилишибди», деганларича командировка ҳужжатларига муҳр босгириб кетишаверардн.

Шундан кейин ҳам бўрама хатлар келаверарди. Яна комиссия, яна текшир-текшир...

Мана шу ерда икки оғиз мулоҳазали гап айтиб ўтишга тўғри келади. Хўш, ўтган гал-ку текширишда хатда кўрсатилган гаплар мутлақо тасдиқланмади, комиссия аъзолари «Игвогар бизни овора қилибди», деб бўрама хатни оқибатсиз қолдириб кетган эдилар. Ўша дастхат, ўша сиёҳ, ўша игвонинг кўланса ҳиди аниқ турган бир парча қоғоз имзосиз бўлгани учун инобатга олинмади, деб чеккага суриб қўйилганда нима бўларди? Одамлар ўз ишларидан қолдирилиб, командировкага харажат бўлмас эди, асаб бузар ҳаракатлар, гап сўзлар бўлмасди.

Кўп ташкилотларни, бурама хат туфайли сарсон қилган, меҳнаткаш кишилар асабини таранглаштирган шахс ким? Нима учун уни топиш мумкин эмас? Рустам Қурбонов шу саволни ўз-ўзига берди ва ўзи жавоб қайтарди.

— Топиш керак, топамиз...

Бир қанча вақт синчковлик билан олиб борилган кузатиш натижасида Т. га келиб тўхтади. Унинг ҳатти-ҳаракатларидан бурама хат ёзишга мойиллик сезилиб турарди. Чунки у кўп вақт мажлисларга, катта-кичик йиғилишларга қатнашарди-ю, сўз беришса ҳам чиқиб гапирмасди, тўмтайиб ўтириб алланарсаларни ёзиб қўярди, холос.

— Шу эмасмикин, бурама хатлар автори?

Дилдаги шубҳани равшанлаштириш мақсадида навбатдаги бурама хатлардан бир-иккитаси олиб солиштириб кўрилди. Т. район марказига чақирилди. Дастхат солиштириб кўрилди. Прокурор адашмаган эди. Т. нинг бир қанча вақт давомида турли адресга ёзган бурама хати унга кўрсатилди. У айбига иқрор бўлди. Совет қонуни нуқтаи назардан у тегишли жазога тортилиши керак эди. Бундай қилинмади. Т. ни чақириб, кўпчилик ўртасига олиб чиқилди. У шу ерда бир неча йиллардан бери одамларга туҳмат қилиб бурама хат ёзиб юрганига иқрор қилинди ва йиғилганларга ўзи «Мени кечиринглар. Менинг мана шу қўлларим билан ёзилган хат туфайли қанчадан қанча одам азият чекди, безовта бўлди, асаби бузилди. Сизларга ваъда бериб айтаманки, бундан кейин туҳмат хати ёзсам қўлларим куриб қолсин...» деди.

Игвогарнинг тавбасига ишонса бўладими? Бизнингча, ишонса бўлади. Чунки, у ўз айбига кўпчилик ўртасида, уларнинг кўзига қараб туриб иқрор бўлди. Шу сабабли биз ҳам игвогарнинг тавбасига таяниб, прокуратура дафтарига ёзиб қўйилган айбномани инобатга олиб, унинг исми, фамилиясини очиқ кўрсатмадик. Айтишларига қараганда Т. ҳозир тушпа-тузук ишлаб юрганмиш. «Ойнаи жаҳон»да яқинда кўрсатилган драматург Алп Жамолнинг «Гизғизон» сарлавҳали интермедиясида баён қилинган игвогар қиёфаси унга яна ҳам қаттиқ таъсир қилган экан. У шу сабабли яна бир марта эгри йўлдан қайтажаклигини алоҳида таъкидлаган учун ҳам биз унга ишондик.

Игвонинг яна бир тури очилди. Унда инсон қалбини титратадиган воқеа фош қилинган. Искандар касалхонасида истиқомат қилувчи М. Ғойипова 1959 йилда Жанубий Қозоғистоннинг «Бугун» совхозида ишлаб юрган вақтларида Н. исмли ғўдакни ўз боқимларига олганлар ва фарзандликка қабул қилганлар. Бу қонуний йўл билан ҳужжатлаштирилгач, ўша йили Бўстонлиқ районига кўчиб келганлар. Буни қўшнилари М. Поус биларди. Қиз ўн беш ёшга кирганда М. Поус уни чақириб «Сен асрандисан, ота-онанг бошқа ёқда» деб айтади. Бу билан у нима қилмоқчи бўлган? Қиз қалбини ларзага келтириб, ўзи қанчалик «бахраманд» бўлмоқчи бўлган, бу томони бизга қоронғи, аммо воқеа содир бўлгач, Ғойиповалар оиласида тинчлик бузилган.

Тергов вақтида М. Поус айбига иқрор бўлди. Унинг иштирокида қиз ота-онаси ёнига чақирилди. У ўз қўшнилари М. Поусга ёмон кўз билан қаттиқ қарагач:

— Менинг муштипар онам, севимли отам шулар бўлади, бизни игво қилиб ажратувчи одамларга нафрат билан қарайман, — деб ота-оналари қучоғига отилди.

М. Поус айбдор башарасини кўпчиликдан яширди. Ҳамма унга нафрат билан тикилиб турарди.

Одил совет қонуни қоидалари тўла амалга оширилгани учун оила яна бузилмас бўлиб пайванд қилинди. Бу икки воқеани очиб, икки игвогарни янгичасига жазолашда район прокуратураси ходимлари, айниқса Рустам Қурбоновнинг хизматлари катта бўлди. Биз уларга машаққатли аммо шарафли ишларида янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

С. МАҲКАМОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Қизил галстук». 18.45 — Чили — озодлик куни келади (Москва). 19.10 — «Прогресс» программаси. 19.45 — «Ахборот». 19.55 — Миллионлар ленинча университети. 20.10 — Адабий театр. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Саноат ходимлари учун программа. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Хоккей: «ДИНАМО» (Москва) — «СПАРТАК» (Москва). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — Бадиий фильм 12.25 — Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. 18.45 — Ҳужжатли фильмлар экрани (Тошкент). 19.10 —МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Инсон ва қонун. 22.40 — **Халоскорлик** (бадиий фильмнинг 1-серияси). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Белгиловчи йил меҳнат вахтасида. 20.40 — **Унинг яшашдан мақсади** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Мирзо Улуғбек**, 21ІІ да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Ўжарлар**, 21ІІ да **Фарғона тонг отгунча.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Ташвишланманг онажон**, 21ІІ да **Алғов-далғов.**

КИНО

Темир киноя — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Булутлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сенинми, шошмай тур! (мультфильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Емгир ёғди, излар ювилди — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Эрамиздан мингинчи йил илгари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Чемпион — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Қора лола — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Ютқазилган ўйин — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Филлар —менинг дўстларим — Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

ТАБИИЙ ВА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 МАРТДАН БОШЛАБ

Тошкент шаҳар газ бошқармасининг авария бўлимининг телефонлари: 535631; 535619 га қўшимча равишда 537346 ва 537546 **номерли телефонлар**

ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ

Шу билан бир вақтда маълум қилинган телефонлар: 552620; 552621 **1 мартдан бошлаб ишламайди.**

«ТОШГАЗ» бошқармаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 1 МАРТДА БАҲОРГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Тошкентда биринчи марта Қозоқ цирки артистларининг гастроллари

ПРОГРАММАДА: отлар, акробатлар, масхарабозлар ва бошқа оригинал жанрлар.

Томошалар неч соат 19.30 минутда бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 19.30 минутда бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ва ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: иншоотларни сиқиладиган ўтказиш, пахта териш аппаратлари назарияси, электрон ҳисоблаш машиналари математик маълумотлар билан таъминлаш ва эксплуатация қилиш, делитировка машиналари назарияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент шаҳар, 700143, Академиклар шаҳарчасига юборилсин.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 36495. Редактор ўринбосарлари — 35885, 37916. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 39050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 38142, Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2486. Индекс 6463 Г. 03244.